# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2021 ЙИЛ – ЁШЛАРНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2021 йил 20 ноябрь, № 249 (8029) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН – РОССИЯ:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК ВА ИТТИФОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШГА ИНТИЛИШ ҚАТЪИЙ ЭКАНИ ТАСДИҚЛАНДИ



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг таклифига биноан 19 ноябрь куни ташриф билан Россияда бўлди.**

Олий даражадаги музокаралар Кремлда ўтказилди.

Владимир Путин учрашув аввалида давлатимиз раҳбарини самимий қутлаб, Президент сайловида ишончли ғалаба қозонгани билан яна бир бор табриклади ва келгуси фаолиятига муваффақиятлар тилади.

— Ўзбекистон нафақат энг яқин қўшнимиз, балки иттифоқдошимиздир. Биз Ўзбекистонни айнан шундай қабул қиламиз, — деди Россия Президенти. — Бу йирик минтақавий давлат бўлиб, бизларни тарих нуқтаи назаридан ҳам, бугунги кунда ҳам кўплаб жиҳатлар боғлаб туради. Бугун Ўзбекистон товар айирбошлаш ҳажмининг 18 фоизи Россияга тўғри келмоқда. Товар айирбошлаш кўпаймоқда: пандемияга қарамай, ўтган йили 15 фоиздан кўпроққа ошган. Бу кўрсаткич ҳатто мураккаб даврда ҳам ҳамкорлик қилаётганимизни, ҳамкорлигимиз муваффақиятли кечаётганини аниқ-равшан кўрсатиб турибди. Биргаликдаги ишларимиз минтақавий форматда, давлатлараро шаклда барча йўналишларда давом этмоқда. Иқтисодиёт, гуманитар алоқалар, транспорт инфратузилмаси шулар жумласидан. Бу борада биргаликда ишлашимиз учун катта майдон мавжуд, иккимиз муҳокама қилиб олишимиз лозим бўлган масалалар жуда кўп.

Давлатимиз раҳбари Россия Президентига таклиф ва илиқ қабул учун миннатдорлик билдирди.

— Шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, кейинги йилларда муносабатларимизда чинакам улкан ютуқларга эришилди — бундай кўрсаткичлар илгари бўлмаган. Сиз айтганингиздек, товар айирбошлаш ортмоқда: тўққиз ой якунида беш миллиардни ташкил этди, йил охирида етти миллиард бўлади. Муносабатларимизда бундай рақам илгари кузатилмаган. Бош вазирлар раҳбарлигидаги Ҳукуматлараро комиссия жуда жиддий ишламоқда — Сиз қўллаб-қувватладингиз ва яхши натижаларга эришилмоқда. Ташрифдан аввал жуда салмоқли ишлар қилинди. Учта катта тадбир: ҳудудлар, таълим ва медиа форумлари ўтказилди. Натижаларга келсак, бугун 14 миллиард долларлик лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. Жумладан, ҳудудлараро форум доирасида. Уч йил аввал Сиз билан ушбу форумни бошлаётганимизда бундай тадбирлар йўқ эди. Натижа эса катта: ҳудудлар учрашмоқда, ҳамкорлигимизга катта туртки бермоқда. Бугунги учрашувимиз ҳудудлараро алоқалар, икки томонлама ҳамкорлик, хавфсизлик масалалари, Афғонистон масаласини муҳокама қилиш учун яхши имкониятдир, — деди Президентимиз.

Умуман, Президентлар икки давлат ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчиликка асосланган муносабатлар юксак даражага кўтарилганини катта мамнуният билан қайд этдилар.

Музокараларда савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

Кейинги йилларда ушбу соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Бош вазирлар даражасидаги қўшма комиссия ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия йиғилишлари мунтазам ўтказилмоқда. Ҳудудлар ўртасида яқин ҳамкорлик йўлга қўйилди. Биргина жорий йилда юқори даражадаги 50 та ўзаро ташриф ташкиллаштирилди.

2020 йилда ўзаро савдо ҳажми 5,6 миллиард доллардан ошган бўлса, жорий йилнинг 10 ойида ушбу кўрсаткич 6 миллиард долларга етиб, йил якунига қадар 7 миллиард долларга яқинлашиши кутилмоқда.

Кейинги тўрт йилда Ўзбекистонда Россия сармояси иштирокидаги корхоналар сони икки баробар кўпайиб, қарийб 3 мингтани ташкил этмоқда.

Бугун юртимиз иқтисодиётида Россиядан жалб қилинган инвестициялар ҳажми 10 миллиард доллардан ошди ва жадал ўсишда давом этмоқда. Умумий қиймати 14 миллиард долларлик истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Президентлар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини қамраб олган ҳолда инвестициявий ҳамкорликни давом эттириш муҳимлигини таъкидладилар.

Бунда Ўзбекистон раҳбарининг ташрифи арафасида ўтказилган II Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми натижалари ҳам муҳим ўрин тутади. Зеро, форум якунида саноат, энергетика, транспорт ва фармацевтика, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатига доир янги битим ва шартномалар имзоланди.

Шавкат Мирзиёев иқтисодиёт тармоқларида ўзаро ҳамкорликни янада кенгайтириш учун катта захиралар борлигини қайд этди. Шу муносабат билан устувор соҳаларда ҳамкорликни ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинди.

Давлат раҳбарлари маданий-гуманитар ҳамкорликни кенгайтириш масалаларига ҳам эътибор қаратдилар.

Жорий йил май ойида Бухорода Ректорлар анжумани, 16-17 ноябрь кунлари эса Москвада иккинчи Таълим форуми ўтказилгани таъкидланди. Форум якунида шерикликнинг янги йўналишларига доир 35 дан ортиқ битимлар имзоланди.

Айни вақтда Россия олий таълим муассасаларининг энг кўп хорижий филиаллари Ўзбекистонда фаолият юритмоқда. Юртимизда уларнинг сони 15 тани ташкил этмоқда, шундан 12 таси кейинги тўрт йилда очилган.

Соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Россиялик ҳамкорлар кўмагида Ўзбекистонда “Спутник V” вакцинасини ишлаб чиқариш ташкил этилди. Тошкентда Пирогов номидаги Россия миллий-тадқиқот тиббиёт университети филиалини очиш ишлари якунига етди.

Президентлар томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалаларга тўхталиб ўтдилар.

Мамлакатларимиз ташқи сиёсат ва мудофаа идоралари ўртасидаги икки томонлама маслаҳатлашувларни давом эттириш муҳим экани таъкидланди. Минтақавий хавфсизлик масалалари ва Афғонистондаги вазият юзасидан фикр алмашилди.

Россия томони Ўзбекистоннинг Афғонистонда тинчлик жараёнига кўмаклашиш борасидаги муҳим саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлади.

Давлат раҳбарлари БМТ, МДҲ, ШҲТ ва бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликни давом эттиришга тайёрлигини билдирдилар.

Самимий ва дўстона муҳитда ўтган суҳбат якунида томонлар Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларини янада мустаҳкамлаш борасида қатъий эканликларини яна бир бор тасдиқладилар.

Музокаралар якунида Президентлар Халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасида ҳамкорлик тўғрисида Қўшма баёнот қабул қилдилар. Ташриф доирасида жами 18 та икки томонлама ҳужжат имзоланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россия Федерациясига ташрифи якунланди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.

## Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

19 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини давом эттирди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган мажлисда ҳукумат аъзолари ва идоралар раҳбарлари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари, шунингдек, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи Мажлис Парламент юқори палатаси расмий веб-сайти ва ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида жонли эфирда узатилди.

Дастлаб сенаторлар “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Конституциявий қонунни кўриб чиқдилар.

Қайд этилганидек, ушбу қонун қабул қилиниши мамлакатимизда фавқулодда ҳолат содир бўлганда фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қонунда фавқулодда ҳолатни жорий этишда вужудга келадиган муносабатларни тартибга солишга қаратилган нормалар акс эттирилган. Хусусан, фавқулодда ҳолатни жорий этиш шартлари ва тартиби, қўлланиладиган чоралар ва чеклашлар, фавқулодда ҳолат амал қиладиган давр учун жорий этиладиган махсус давлат бошқаруви органлари, фавқулодда ҳолат шароитида жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, мансабдор шахс ҳуқуқларининг кафолатлари, фавқулодда ҳолат шароитларида судларнинг фаолиятини тартибга солувчи ва бошқа махсус қоидалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Қонунда фавқулодда чоралар, уларнинг таъсир доираси, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар, юридик шахслар ҳуқуқ ва эркинликларига ўрнатилаётган вақтинчалик чекловлар, уларга юклатилаётган қўшимча мажбуриятлар, кучга кириш вақти ҳамда амал қилиш муддати каби бир қанча чоралар тартибга солинмоқда.

Қонунда фавқулодда ҳолат жорий этиш мақсадлари аниқ белгилаб берилди. Унинг мақсади фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, конституциявий тузум ва ҳудудий яхлитликни ҳимоя қилишдир.

Қонун билан республика бўйича жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати ўттиз суткадан, унинг айрим жойларида жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати эса олтмиш суткадан ошиши мумкин эмас. Агар фавқулодда ҳолатни жорий этиш мақсадларига эришилмаган бўлса, фавқулодда ҳолатнинг амал қилиши Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан яна бир муддатга узайтирилиши мумкин. Лекин мазкур Фармон парламент қўшма мажлисида тасдиқланиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, қонунда фавқулодда ҳолат режимини таъминлаш учун Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар вазирликлари, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, шунингдек, фавқулодда вазиятлар олдини олиш ва ҳаракат қилиш давлат тизимига кирувчи бошқа давлат органлари ҳамда ташкилотларининг кучлари ва воситаларидан фойдаланиш белгиланмоқда. Алоҳида ҳолларда эса юқоридагиларга қўшимча равишда, фавқулодда ҳолат режимини сақлаб туриш учун Президент Фармонига асосан Мудофаа вазирлигининг кучлари ва воситалари ҳам жалб этилиши мумкин.

➡ 2

### Дунё нигоҳи

# ЎЗБЕКИСТОН ВА РОССИЯ РАҲБАРЛАРИ ЎРТАСИДА МУНТАЗАМ ФИКР АЛМАШИШ МИНТАҚА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Россияга ташрифи ва Президент Владимир Путин билан музокаралари халқаро экспертлар ва ижтимоий-сиёсий доиралар вакилларининг диққат марказида бўлиб турибди.*

**Анреа ЖАННОТТИ, Италия Евроосиё тадқиқотлари институти ижрочи директори ва вице-президенти, Пиза университети ва Москва давлат халқаро муносабатлар институти (Россия) профессори:**



— Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Президенти Владимир Путин учрашуви икки мамлакат ўртасидаги дўстлик муносабатларини ифода этувчи ғоят муҳим воқеадир.

Мулоқот чоғида икки давлат раҳбарлари турли мавзуларни, жумладан, савдо, сармоявий ва гуманитар ҳамкорлик масалалари, халқаро ва минтақавий вазият, жумладан, Афғонистондаги воқеалар ривожини муҳокама қилдилар.

Жуғрофий жойлашуви ва геосиёсий аҳамияти нуқтаи назаридан, мен Ўзбекистон афғон муаммосига ечим топишда ўта муҳим роль ўйнайди, деб ҳисоблайман.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи арафасида Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги тадбирларнинг жуда бой дастури амалга оширилди. Хусусан, Ҳудудлараро ҳамкорлик форуми, Россия — Ўзбекистон таълим форуми (унда Ўзбекистонда Россия университетларининг 9 та янги филиали очилиши эълон қилинди) ва Россия — Ўзбекистон медиафоруми бўлиб ўтди. Буларнинг барчаси томонларнинг ўзаро ҳамкорликни фаоллаштириш ва мустаҳкамлашга қизиқиши юқорилигидан далолат беради.

**Хиронори ФУШИТА, Япония халқаро муносабатлар институти катта таҳлилчиси:**



— Ўзбекистон Президентининг Россияга ташрифи ва Президент Владимир Путин билан музокараларини олқишлайман.

Ҳозирги кунда Марказий Осиёда хавфсизликка таҳдид ва хатарлар мавжуд, шу жумладан, Афғонистонда нотинч вазият кузатилмоқда. Ўзбекистон ва Россия раҳбарлари халқаро терроризм ва диний экстремизм каби таҳдидларга қарши биргаликда курашиш масалалари юзасидан мунтазам фикр алмашаётгани минтақа барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон билан Россия ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик жадаллашди, шунингдек, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми сезиларли даражада ошди. 2020 йил якунларига кўра давлатлараро савдо ҳажми 6 миллиард долларга етди. Мамлакатлар ўртасида савдо-инвестиция соҳасида, жумладан, Евроосиё иқтисодий иттифоқи доирасидаги муваффақиятли ҳамкорлик Япония ишбилармон доиралари вакилларининг Ўзбекистонда фаол бизнес юритишига ҳам туртки беради.

**«Дунё» АА.**

# Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси тўғрисида

# АХБОРОТ

1

Шунингдек, қонун билан фавқулодда ҳолат жорий қилингани ҳақида чегарадош давлатларга дипломатик каналлар орқали хабар берилиши ҳам белгилаб қўйилмоқда.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Гидрометеорология фаолияти тўғрисида"ги қонун муҳокама қилинди.

Қонун билан атроф табиий муҳит ифлосланишининг мониторинги, гидрометеорологик ахборот, гидрометеорологик жараёнлар, гидрометеорологик жараёнларга фаол таъсир кўрсатиш, гидрометеорологик ҳодисалар, гидрометеорология фаолияти, ихтисослаштирилган гидрометеорологик ахборот, муҳофаза зонаси, тезкор гидрометеорологик ахборот, умумий гидрометеорологик ахборот каби асосий тушунчалар белгиланмоқда.

Шунингдек, гидрометеорология фаолиятининг асосий принциплари, объектлари, субъектлари, ихтисослаштирилган ташкилотлар тўлиқ кўрсатилган.

Қонунга мувофиқ расмий огоҳлантиришлар, прогнозлар ва аҳолининг турмуш фаолияти хавфсизлигини таъминлаш, эҳтимолий зарарнинг олдини олиш билан боғлиқ бошқа гидрометеорологик ахборот ундан фойдаланувчиларга фақат махсус ваколатли давлат органи томонидан тақдим этилади.

Шунингдек, ҳужжатда гидрометеорологик ахборотни тайёрловчилар ҳамда ундан фойдаланувчилар ҳуқуқ ва мажбуриятлари, гидрометеорология фаолиятини ташкил этиш ва амалга ошириш тартиби, уни молиялаштириш, соҳадаги халқаро ҳамкорлик, қонунчиликни бузганлик учун жавобгарлик ва бошқа бир қатор нормалар кўзда тутилган.

Қонунни қабул қилиш гидрометеорология фаолияти ҳамда гидрометеорологик кузатувлар ўтказиш ва маълумотларга ишлов беришнинг илмий услубларини янада такомиллаштириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, бошқа ташкилотлар, аҳолини гидрометеорологик маълумотлар билан таъминлаш тизимини ривожлантириш, гидрометеорология соҳасидаги минтақавий ва халқаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш, инновацион технологияларни жорий этиш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишга хизмат қилади.

Сенаторлар ушбу қонунни ҳам маъқулладилар.

Сўнгра "Солиқ маъмуриятчилиги такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Қонуннинг асосий мақсади қабул қилинган Фармон ва қарорларда назарда тутилган тадбирларнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб бериш ҳамда тасдиқланган давлат дастурлари ижросини таъминлашдан иборат.

Қонунда Сурхондарё вилоятининг Бандихон, Қизириқ, Музработ, Шеробод туманлари, тоғли ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларда янгидан ташкил этилган, ушбу туманларда (ҳудудларда) давлат рўйхатидан ўтган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (кластерлар бундан мустасно) юридик шахслардан олинадиган ер солиғи, юридик шахслар мол-мулкига солинадиган солиқ, айланмадан олинадиган солиқ, якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғининг қатъий белгиланган суммасини тўлашдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда озод қилиниши белгиланган.

Шунингдек, Сурхондарё вилояти тоғли ва ер майдонлари шўрланган ҳудудларида янгидан ташкил этилган ҳудудларда давлат рўйхатидан ўтган ҳолда ўз фаолиятини амалга ошираётган тадбиркорлик субъектлари (кластерлар бундан мустасно) 2021 йил 10 сентябрдан 2024 йил 1 январга қадар бўлган даврда фойда солиғини белгиланган солиқ ставкаларига нисбатан 50 фоиз камайтирилган солиқ ставкалари бўйича тўлаши кўзда тутилган.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, имтиёзлар жорий қилиниши натижасида ушбу ҳудудларда 1400 дан ортиқ тадбиркорлик субъектлари янгидан ташкил этилади ва улар ихтиёрида 13 миллиард 400 миллион сўм маблағ қолдирилади.

Бундан ташқари, 2020 йилда Сардоба сув омборида содир бўлган техноген ҳодиса оқибатида Сирдарё, Оқолтин ва Мирзаобод туманларидаги зарар кўрган баликчилик, чорвачилик ва паррандачилик фаолияти билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам вақтинчалик солиқ имтиёзлари киритилмоқда.

Хусусан, Сирдарё вилояти Сардоба, Оқолтин ва Мирзаобод туманларида фавқулодда ҳодиса оқибатида зарар кўрган, рўйхати халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши томонидан тасдиқланадиган балиқчилик, чорвачилик ва паррандачилик хўжаликлари 2020 йил 1 майдан 2022 йил 1 ноябрга қадар юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва мол-мулкка солинадиган солиқни тўлашдан озод қилинмоқда.

Натижада 69 та балиқчилик, 41 та чорвачилик ва 5 та паррандачилик хўжаликлари ихтиёрида 1 миллиард сўмдан ортиқ маблағ қолиши ҳисоб-китоб қилинган.

Қонунда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни назарда тутувчи меъёрлар ҳам киритилиши кўзда тутилган.

Хусусан, товарлар ва кўрсатилаётган хизматлар учун нақд пул маблағлари ёки пластик карточкалар билан ҳисоб-китоб қилиш шаклига қараб, улар нархларини сунъий ошириш ёки пасайтириш ҳолатлари ҳамда мажбурий равишда рақамли маркировкаланиши белгиланган товарларни (маҳсулотларни) идентификация воситалари орқали рақамли маркировкалаш қоидаларини ишлаб чиқарувчилар ва импорт қилувчилар томонидан бузиш ҳолатлари бўйича жавобгарлик белгиланмоқда.

Солиқ кодексига шаффофликни таъминлаш мақсадида солиқ назоратини амалга оширишга доир ҳаракатлар холислиги видеотасвирга олиш қурилмаларидан фойдаланиш воситасида амалга оширилиши, бундай имконият мавжуд бўлмаган тақдирда эса, холислар иштирокида ташкил этилиши лозимлиги тўғрисида тегишли меъёр киритилмоқда.

Шу билан бирга, Қонунда бугунги кунда Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг айрим ҳужжатларни қабул қилиш ваколати Вазирлар Маҳкамасига ўтказилиши кўзда тутилган.

Таъкидлаш лозимки, бюджетга тўловлар бўйича қарзи бўлган корхоналарга ўз вақтида инкасса топшириқномасини тақдим этмаслик ҳолатлари бўйича жарима қўллаш тартиби бекор қилинмоқда.

Қонун маъқулланди.

Шундан кейин сенаторлар "Бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунни муҳокама қилдилар.

Таъкидланишича, ўтган йиллар мобайнида болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишнинг институционал ва ҳуқуқий асослари тубдан такомиллаштирилиб, болалар орасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг барвақт олдини олиш, ногиронлиги бўлган болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш масалалари кенг жамоатчилик жалб қилинган ҳолда ҳал қилинмоқда.

Мазкур ислоҳотларнинг давоми сифатида ушбу қонун билан бир қатор ўзгартиришлар киритилмоқда.

Хусусан, жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан инсонпарварликни кучайтириш мақсадида жиноий жавобгарликка тортиш ёшини ўн уч ёшдан ўн тўрт ёш этиб белгиланмоқда.

Вояга етмаганларнинг жинсий эркинлигига қарши жиноятлар, шу жумладан, болаларга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар учун белгиланган жазо чоралари кучайтирилмоқда.

Шунингдек, вояга етмаган жабрланувчи ёки гувоҳни сўроқ қилиш муддатлари аниқ белгиланиб, жиноят-процессуал қонунчиликда вояга етмаган жабрланувчи, гувоҳ, гумон қилинувчи ёки айбланувчини сўроқ қилишда психолог иштирок этишини таъминлаш назарда тутилмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши натижасида мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари самарали ҳимоя қилинишига эришилади. Миллий қонунчиликни халқаро стандартларга мувофиқлаштириш имкони яратилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сўнгра "Интеллектуал мулк объектлари тўғрисидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокама этилди.

Ушбу қонун билан бир қатор, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг "Кооперация тўғрисида"ги, "Ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари тўғрисида"ги, "Адвокатура тўғрисида"ги, "Товар белгилари, хизмат кўрсатиш белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисида"ги, "Фирма номлари тўғрисида"ги ва "Давлат божи тўғрисида"ги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.



Бир қанча хизматлар жумладан, кооперативлар уставини рўйхатдан ўтказиш, юридик маслаҳатхоналарни ҳисобга олиш, адвокатлик бюролари, фирмалари, ҳайъатларини рўйхатдан ўтказишни автоматлаштириш эндиликда Давлат хизматлари марказлари томонидан амалга оширилиши белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Интеллектуал мулк агентлигининг саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликнинг қўлланилишига доир қоидалар қабул қилиш бўйича ваколатлари бекор қилинди.

Шунингдек, саноат мулки объектлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби ҳамда бу бўйича юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби белгилаб қўйилди.

Товар белгисини рўйхатдан ўтказиши мумкин бўлган субъектлар қатори кенгайтирилди. Бунда барча юридик ёки жисмоний шахс ўз номига товар белгисини рўйхатдан ўтказиши мумкин. Илгари ушбу ҳуқуқ фақатгина тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ёки жисмоний шахсларга берилиши белгиланган эди.

Бундан ташқари, фирма номлари, товар белгилари ва товар келиб чиққан жой номлари тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун жарима солиш асослари ва тартиби, шунингдек, юридик шахслар томонидан жаримани тўлаш тартиби ҳам белгилаб қўйилди.

Интеллектуал мулк объектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш чоғида резидентлар ва норезидентлар ўртасидаги товар белгиси билан боғлиқ ҳуқуқий муносабатлар тартибга солинмоқда. Мисол учун, товар белгисини рўйхатдан ўтказиш учун талабномага оид ҳуқуқдан бошқа шахс фойдасига воз кечилганлиги муносабати билан аризачини ўзгартириш ёки товар белгиларига доир ҳуқуқларни бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги шартномаларни рўйхатга олганлик учун белгиланган миқдорда тегишлича давлат божини тўлаш бўйича янги норма киритилди.

Қонун орқали бу каби ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши интеллектуал мулк соҳаси тараққиётида катта ўсишга йўл очади. Интеллектуал мулк объектларига эга бўлиш ривожланиш йўлига қадам қўйган миллий компаниялар, инновацион фаолият билан шуғулланувчи муассасалар учун ўзига хос нуфуз ва тан олинишни англатади. Мамлакатга ўз товар белгиси ёки саноат намунаси билан кириш истагида бўлган чет эллик инвесторлар учун яхши маънодаги сигнал вазифасида хизмат қилади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Шунингдек, ялпи мажлисда "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун кўриб чиқилди.

Бугунги кунда товар ҳамда савдо қилиш қоидалари тўғрисидаги маълумотлар кўп ҳолатларда бошқа тилларда акс эттирилгани кузатилмоқда. Бу эса, истеъмолчилар ҳуқуқларининг тўлиқ рўёбга чиқарилишига тўсқинлик қилмоқда. Шартномага истеъмолчининг ҳуқуқларини камситадиган шартларни киритиш ҳамда истеъмолчига қонунчилик билан ўрнатилган имтиёз ва афзалликларни бермаслик ҳолатлари кузатилмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги, истеъмолчилар жамоат бирлашмаларининг ваколатлари тўлиқ мустаҳкамланмаган.

Қонунда истеъмолчи ва сотувчи (ишлаб чиқарувчи, иш ва хизмат кўрсатувчи) ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг янгича механизмлари, шартномавий муносабатларда истеъмолчига ўзининг қонунчиликда белгиланган талабларини қаноатлантиришда устувор ҳуқуқ берилиши ва шартномага истеъмолчининг қонунчиликда назарда тутилган ҳуқуқларини камситадиган шартларни киритишга йўл қўйилмаслик каби янги талаблар киритилган.

Шунингдек, истеъмолчи томонидан товарлар учун ҳақ тўлаш нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда амалга оширилиши мумкинлигини инобатга олган ҳолда сотувчига ҳақ тўлаш шаклига қараб товарнинг айни бир маркаси (модели, артикули) учун ҳар хил нархлар белгилаши тақиқланмоқда.

Истеъмолчига сотилган нуқсонли ёки мақбул сифатли товарларни қайтариб беришда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда юзага келаётган айрим масалаларга ҳам аниқлик киритиб кетилмоқда.

Хусусан, агар тарафларнинг келишувида бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, истеъмолчи томонидан тўланган пул суммасини унга қайтариш товар учун ҳақ тўлаш қандай шаклда амалга оширилган бўлса, худди шундай шаклда бўлиши белгиланмоқда.

Товарда нуқсонлар борлиги ва унинг норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқ эмаслиги тасдиқланган тақдирда, сотувчи (ишлаб чиқарувчи, ижрочи) текширув (тест, экспертиза) ўтказишни ташкил қилган истеъмолчи ёки истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатли давлат органларига товарларни текшириш (тестдан ўтказиш, экспертиза қилиш) билан боғлиқ харажатларнинг ўрнини тўлиқ қоплаши кераклиги ҳақидаги норма киритилмоқда.

Бундан ташқари, истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва реклама бозорини тартибга солиш соҳасида ягона давлат сиёсати ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширувчи ваколатли давлат органи сифатида Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш агентлиги ҳуқуқ ва ваколатлари қонун билан мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Товарларни намуналар ва (ёки) уларнинг тавсифи бўйича ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилишда истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва олдини олиш мақсадида ушбу муносабатларни тартибга солувчи талаблар алоҳида янги модда сифатида киритилмоқда.

Шу билан бирга, қонунда нодавлат жамоат бирлашмаларининг истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколат ва ҳуқуқларига аниқлик киритилган.

Ҳужжатда ишлаб чиқарувчи, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари, товар тўғрисидаги ахборотни истеъмолчиларга давлат тилида тўлиқ етказиш, товарни экспертизадан ўтказиш ҳолатлари ўз аксини топмоқда.

Қонун товарларни (ишларни, хизматларни) масофадан туриб, ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда реализация қилиш чоғида истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишига йўл қўймаслик ва уларнинг олдини олишга қаратилган нормалар билан ҳам тўлдирилган.

Қонун қабул қилиниши истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олиш, сотувчининг истеъмолчи олдидаги масъулияти ва жавобгарлигини оширишга хизмат қилади.

Ушбу қонун ҳам маъқулланди.

Шундан сўнг сенаторлар "Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонунни кўриб чиқдилар.

Қонун билан "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида", "Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида" ҳамда "Аҳолини рўйхатга олиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Қонунга киритилаётган ўзгартишларга мувофиқ, маҳалла фуқаролар йиғинлари тазйиқ ва зўравонликка учраган, уларга мурожаат қилган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилаш, шунингдек, мазкур ҳолатлар тўғрисида тегишли аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, ички ишлар органларини зудлик билан хабардор этиш, маҳалла ҳудудида тазйиқ ва зўравонлик қилган ёки қилишга мойиллиги бўлган шахсларни аниқлаш, улар билан олиб бориладиган профилактик ишларда иштирок этиш ваколатларига эга бўлади.

Шу билан бирга, меҳнат органларининг хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Унга кўра, эндиликда меҳнат органлари иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, оилавий муаммолар ва зўрлик ишлатилишига дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва касбга йўналтириш чораларини кўради.

Таъкидланишича, Соғлиқни сақлаш вазирлигига тазйиқ ва зўравонликдан жабрланувчилар ҳамда уларнинг болалари, аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган жабрланувчилар ҳамда уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш, тиббий кўрикдан ўтказиш, бепул даволаш чора-тадбирларини амалга ошириш қонун билан мустаҳкамланмоқда.

Қонуннинг қабул қилиниши оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизларга ёрдам кўрсатиш ва уларни қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш, манзилли ёрдам кўрсатиш ишларини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилади.

Сенаторлар қонунни маъқуллади.

Ялпи мажлисда "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам муҳокама қилинди.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш назарда тутилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишга доир фитосанитария талаблари (чораларини) ҳамда бошқа қоидаларни бузиш каби ҳуқуқбузарликлар, яъни ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишга доир фитосанитария талаблари ҳамда карантин остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш, реализация ва йўқ қилиш чоғида бузиш, шунингдек, фитосанитария чораларини бузиш, яъни ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлик учун жавобгарлик белгилаш киритилмоқда.

Шунингдек, карантин остидаги маҳсулотларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш ва чиқиш қоидаларини бузиш каби ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик ўрнатилади.

Бундан ташқари, "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиши билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича махсус ваколатли давлат орган эканлиги белгиланади. Шунингдек, ушбу агентликнинг ваколатларини кенгайтириш, ўсимликлар карантини давлат инспекторларининг мажбуриятларини ошириш назарда тутилган.

Ҳужжат билан Ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича давлат хизмати тизимига Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлигининг туман (шаҳар) ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўлимлари, Республика агрокимёвий таҳлил маркази, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлардаги чигиртка ва тут парвонасига қарши кураш хизматлари, "Биосифат" республика маркази, ўсимликлар карантини бўйича ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктлари, ўсимликлар карантини бўйича давлатлараро чегара пунктлари каби тузилмаларни қўшиш белгиланмоқда.

Бундан ташқари, фитосанитарияга оид юқори хавфга эга бўлган карантин остидаги маҳсулотни экиш, пайвандлаш, кўпайтириш учун мўлжалланган экиш материалларини хорижий мамлакатлардан Ўзбекистон Республикасида яшовчи фуқароларга почта ва курьерлик жўнатмаларида юбориш, шу жумладан, багаж ва қўл юкида олиб ўтиш тақиқланади.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Сенаторлар "Транспорт ва молия соҳаларидаги айрим ҳуқуқбузарликларни содир этганлик учун маъмурий жазолар либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун муҳокамасида таъкидлаганларидек, давлат раҳбарининг ташаббуси билан кейинги 5 йилда мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, шунингдек, тизимлаштирилган қонунчилик базасини шакллантириш, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асослари таъминланиши борасида қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Маълумки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган йўл ҳаракати соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун белгиланган маъмурий жавобгарликлар миқдори ҳозирги замон талаблари ва хавфлилик даражасига тўлиқ жавоб бермайди.

Ушбу қонун билан маъмурий ҳуқуқбузарликларнинг хавфлилик даражасидан келиб чиқиб, мақбуллаштириш мақсадида 5 та модда санкцияси миқдори камайтирилмоқда. Хусусан, транспорт воситалари эгалари томонидан суғурта полисини олмаганлик ёки муддати ўтган суғурта полиси, суғурта полисида назарда тутилмаган шахс автотранспорт воситасини бошқарганлиги, йўловчиларни лицензиясиз ташиш билан шуғулланганлиги, паспорт тизими қоидаларини бузганлиги, фуқаролар томонидан валюта қимматликларини ноқонуний олиш ёки ўтказиш учун жарима миқдори камайтирилмоқда.

Шунингдек, киритилаётган ўзгартишлар билан транспорт воситасини бошқариш вақтида ҳайдовчиларга "bluetooth", қулоқчин ва бошқа қўлни банд қилмайдиган гарнитуралардан фойдаланишга рухсат берилмоқда.

Транспорт воситаси салонининг олд қисмига монитор (дисплей) ўрнатиш учун жавобгарлик бекор қилинмоқда, шунингдек, транспорт воситалари ҳайдовчиларининг белгиланган ҳаракат тезлигини ошириб юборганда тезликни ўлчайдиган махсус ускуналар қайд этган тезликдан соатига 5 километр айириб ташлаб ҳисоблаш жорий этилмоқда.

Бундан ташқари, Ички ишлар органлари ёки консуллик муассасаси томонидан берилган биометрик паспорт (ID-картаси) мавжуд бўлган тақдирда ҳайдовчидан транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқини берувчи ҳужжат, транспорт воситасини рўйхатдан ўтказганлик тўғрисидаги, шунингдек, транспорт воситасига эгалик қилиш, эгаси йўқлигида ундан фойдаланиш ёки уни тасарруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжатлари, транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича суғурта полиси талаб этилмайди.

Қонун сенаторлар томонидан маъқулланди.

Ялпи мажлисда 15 та масала, шу жумладан, 9 та қонун муҳокама этилди.

Шуниг билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси ўз ишини якунлади.

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Ахборот хизмати.**

# ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

*Икки кун давомида Олий Мажлис Сенатининг йигирма биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Унда бир қатор қонунлар маъқулланди ва юртимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этиши кутилаётган долзарб масалалар кўриб чиқилди. Сенаторлар маъқулланган қонунлардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида мухбиримизга сўзлаб берди.*

**Қутбидин БУРҲОНОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси раиси:**

## Фавқулодда ҳолатнинг аниқ муддатлари белгиланмоқда

— Аслида, инсонинг бахтли ҳаёт кечириши учун жудаям кўп нарса керак эмас. Юрти, оиласи, фарзандлари ва яқинлари тинч ва осойишта бўлса, қулай шароитда меҳнат қилса, бас. Аммо ҳаёт мураккаб. Гоҳида фавқулодда ҳолат, ҳалокат ва табиий офатлар юз бериб, тинчлик ва осойишталикка таҳдид солиши мумкин. Ана шундай кўнгилсизликларга доим тайёр туриш, ирода ва матонат билан қатъий курашиш талаб этилади.

Сенаторлар томонидан маъқулланган "Фавқулодда ҳолат тўғрисида"ги Конституциявий қонун ана шу мақсадга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эга. Бу ҳужжат мамлакатимизда фавқулодда ҳолат содир бўлганда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза этишда дастуриламал бўлиб хизмат қилади.

Қонунда фавқулодда ҳолатни жорий этишнинг мақсадлари сифатида фуқаролар хавфсизлигини, Ўзбекистон Республикаси конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат эканлиги белгилаб қўйилган. Шу билан бирга, фавқулодда ҳолатни жорий этиш шарти ва тартиби, бундай вазиятда қўлланиладиган чора ва чекловлар, фавқулодда ҳолат амал қиладиган давр учун жорий этиладиган махсус давлат бошқаруви органлари, бу шароитда жисмоний ва юридик шахслар ҳамда мансабдорлар ҳуқуқлари кафолатлари, ушбу жараёнда судлар фаолиятини тартибга солувчи ва бошқа махсус қоидалар мустаҳкамлаб қўйилмоқда.

Мазкур қонундаги бир янгилик хусусида тўхталмоқчи эдик. Унга кўра, республика бўйича жорий этиладиган фавқулодда ҳолатнинг амал қилиш муддати ўттиз суткадан, унинг айрим жойларида эса олтмиш суткадан ошмаслиги, агар фавқулодда ҳолатдан кўзланган мақсадларга эришилмаган бўлса, унинг муддати Президент Фармони билан узайтирилиши мумкинлиги, лекин ушбу Фармон Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида тасдиқланиши белгиланмоқда.

Умуман, бу қонун давлатимиз ҳудудий яхлитлиги ва юртдошларимиз тинч-осойишта ҳаёт кечиришига хизмат қилиши билан аҳамиятли.

**Рисқул СИДДИҚОВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раиси ўринбосари:**

## Ўсимликлар карантини объектини бартараф этишга йўналтирилган

— Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан "Ўсимликлар карантини ва ҳимояси тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун бир овоздан маъқулланди. Бу бежиз эмас. Зеро, қонуннинг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида карантин остидаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, қайта ишлаш ва реализация қилиш, фитосанитария талабини бузиш каби ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга ҳамда ўсимликлар карантини объектини бартараф этишга эришиш мумкин бўлади.

**Муносабат**

Мазкур қонун Президент Фармон ва қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган бўлиб, 5 та моддадан иборат. У билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

### Янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- кодексга киритилаётган ўзгартишларга кўра, ўсимликлар карантини объектларига ва бошқа зарарли организмларга қарши курашишга доир фитосанитария талаблари ҳамда бошқа қоидаларни бузганлик, ўсимликлар карантини объектлари ва бошқа зарарли организмлар тарқалишининг олдини олиш чораларини кўрмаганлик учун жавобгарлик белгиланмоқда;
- карантин остидаги маҳсулотни олиб кириш, олиб чиқиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик ўрнатилади;
- "Ўсимликлар карантини тўғрисида"ги Қонунга "зарарли организм", "фитосанитария чоралари", "фитосанитарияга оид хавфни таҳлил қилиш" каби асосий тушунчалар, шу билан бирга, "ўсимликлар карантини ташқи иқтисодий фаолият чегара пунктлари ва давлатлараро ўсимликлар карантини чегара пунктлари" деган янги тушунчалар киритилаётир;
- Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ўсимликлар карантини ва ҳимояси бўйича махсус ваколатли давлат органи эканлиги белгиланиб, унинг ваколатларини кенгайтириш, инспекторларнинг мажбуриятларини ошириш назарда тутиляпти.

Шу ўринда қонунда фитосанитарияга оид юқори хавфга эга бўлган карантин остидаги маҳсулотни, жумладан, экиш, пайвандлаш, кўпайтириш учун мўлжалланган кўчат, илдиз, барг, қаламча, уруғ, тугунак ва илдизпояни ёки уларнинг қисмларини хорижий мамлакатлардан юртдошларимизга почта ва курьерлик жўнатмаларида юбориш, шу жумладан, багажда ва қўл юкида олиб ўтиш тақиқланаётганлигини алоҳида келтириб ўтиш зарур.

**Маҳмуд ПАРПИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари:**

## Опа-сингилларимиз ҳуқуқлари кафолатлари кучайтириляпти

— Юртимизда хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларга муносиб меҳнат ва яшаш шароити яратиб бериш доимий эътибор марказида бўлиб келмоқда. Сенаторлар томонидан маъқулланган "Оғир ижтимоий аҳволда қолган хотин-қизлар ҳуқуқлари кафолатларини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида"ги қонун ҳам ана шу эзгу мақсадга йўналтирилган. Яъни опа-сингилларимиз ҳуқуқлари кафолатлари кучайтириляпти.

Қонун билан қатор қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Унга кўра, эндиликда маҳалла фуқаролар йиғинлари тазйиқ ва зўравонликка учраб, мурожаат этган хотин-қизларни ҳимоя қилишга доир чора-тадбирларни белгилайди. Шунингдек, ушбу ҳолатлар тўғрисида аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказлари, ички ишлар органларини зудлик билан хабардор этиш, маҳалла ҳудудида тазйиқ ва зўравонлик қилган ёки шунга мойил шахсларни аниқлаш ҳамда улар билан олиб бориладиган профилактик ишларда иштирок этиш ваколатларига эга бўлади.

Қолаверса, меҳнат органларининг аёлларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш борасидаги ваколатлари кенгайтирилмоқда. Эндиликда улар иш қидираётган ва оғир ижтимоий аҳволда қолган, оилавий муаммо ва зўравонликка дуч келган хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, уларни тадбиркорликка жалб қилиш ва касбга йўналтириш чораларини кўради.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тазйиқ ва зўравонликдан жабрланганлар ва уларнинг болаларини ҳамда аёлларни реабилитация қилиш ва мослаштириш марказларига келтирилган жабрланувчилар ва уларнинг болаларига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатади, тиббий кўрикдан ўтказади, бепул даволаш чора-тадбирларини амалга оширади.

Албатта, ушбу қонун хотин-қизларни ҳимоялаш борасидаги эзгу саъй-ҳаракатларимизни янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

**Зокир ХУДОЙШУКУРОВ («Халқ сўзи») ёзиб олди.**

# ҲУКУМАТ ТОМОНИДАН ТАҚДИМ ҚИЛИНГАН ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ 2022 ЙИЛ УЧУН ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ЛОЙИҲАСИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

*“2022 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси, шунингдек, ушбу ҳужжат билан бирга тақдим этилган 2022 — 2024 йилларда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий йўналишлари Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида кўриб чиқилди.*

## Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

Мажлисда молия вазири Т. Ишметов, Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси раиси Ш. Назаровнинг маърузалари эшитилди.

Маълумки, мамлакатимизда Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида кенг кўламли иқтисодий-ижтимоий ислоҳотлар изчиллик билан амалга оширилмоқда. Халқимизнинг фаровон турмушини таъминлаш, юртимиз иқтисодий салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, бюджет ва молия соҳасини либераллаштириш, энг муҳими, ижтимоий соҳани мақсадли қўллаб-қувватлаш борасидаги саъй-ҳаракатлар бугун ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Мазкур эзгу амалларнинг узвийлигини таъминлаш учун бюджет параметрлари парламент томонидан кўриб чиқилиши ва маъқулланиши алоҳида аҳамият касб этади.

Шунингдек, Президентимиз ҳузурида 2022 йил учун солиқ тушумлари ҳамда бюджет параметрлари юзасидан ўтказилган йиғилишда давлат раҳбари мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, одамлар ҳаётини яхшилаш бош мақсад этиб белгиланганi, бу тамойиллар бюджетни шакллантиришда ҳам бош мезон бўлиши зарурлигини алоҳида таъкидлаган эди.

Парламентга тақдим қилинган қонун лойиҳаси макроиқтисодий сиёсатнинг 2022 йил учун асосий йўналиш ва кўрсаткичлари пандемия давридан кейин иқтисодиётнинг тикланиши ҳамда бутун дунёда пандемия давом этиши эҳтимоли борлигидан келиб чиқиб шакллантирилган. Бунда асосий эътибор макроиқтисодий барқарорликни сақлаб қолишга, яъни ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши кейинги йилларда унинг ижобий динамикасини сақлаб қолган ҳолда, 839,9 триллион сўмни ташкил этиши ҳамда 6 фоизга ўсиши назарда тутилмоқда. Хусусан, саноат ишлаб чиқариши ҳажми 7 фоиз, қурилишда 8,1 фоиз, чакана товар айланмасининг ўсиш суръати 9,3 фоиз кўпайиши прогноз қилинмоқда.

2022 йилда консолидациялашган бюджет даромадлари 254,6 триллион сўмни, харажатлари 280,1 триллион сўмни ҳамда консолидациялашган бюджет тақчиллигининг чекланган миқдорини ялпи ички маҳсулотнинг 3 фоизи миқдорида белгилаш таклиф этилмоқда.

2022 йилда ҳам Давлат бюджети харажатларининг ярми ижтимоий соҳаларга йўналтирилиши белгиланмоқда.

Қонун лойиҳасида бюджет соҳасига оид қатор ўзгартиришлар назарда тутилмоқда. Хусусан, иқтисодий ўсиш жараёнида тармоқлар ичидаги масалаларни тезкорлик билан амалга ошириш ва биринчи даражали бюджет маблағлари тақсимловчиларнинг ваколатини кенгайтириш мақсадида уларга ўз қуйи ташкилотларига ўзларига ажратилган бюджет маблағларининг чекланган миқдорларини 10 фоизгача Вазирлар Маҳкамасининг қарорига асосан йўналтириш ҳуқуқи берилмоқда.

Давлат бюджети тақчиллигининг прогноз кўрсаткичларидан ошиб кетишининг олдини олиш ва бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида 2022 йил учун Ўзбекистон Республикаси номидан чиқариладиган давлат қимматли қоғозларининг чекланган соф ҳажми 6 триллион сўм миқдорида, бюджет тақчиллигининг чекланган миқдоридан ошишига олиб келиши мумкин бўлган қўшимча харажатлар фақатгина қўшимча даромад манбаи мавжуд бўлганда ёки бошқа харажатларни қисқартириш ҳисобига амалга ошириш ҳамда 2023 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети тақчиллигининг энг юқори чекланган миқдори ялпи ички маҳсулотнинг йиллик прогнозига нисбатан 3 фоиздан ошмаслиги лозимлиги белгиланмоқда.

Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларига қўшимча тарзда юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ҳамда юридик шахслардан олинадиган ер солиғи тушумларини, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорига кўра, туманлар ва шаҳарлар бюджетларига тўлиқ ҳажмда йўналтириш ваколати берилмоқда. Маҳаллабай ишлашнинг янги тизими учун 2,5 триллион сўм маблағ кўзда тутилаётган бўлиб, ушбу маблағлар бевосита ҳоким ёрдамчилари томонидан тасарруф этилиши белгиланмоқда.

Шу билан бирга, оилавий шифокор пунктлари ва оилавий поликлиникаларда “тиббиёт бригадалари” фаолиятини йўлга қўйиш учун қўшимча 20 мингдан зиёд ўрта тиббиёт ходимлари штатларини сақлаш учун 451 миллиард сўм, республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказлари ҳамда бошқа давлат ва хусусий тиббиёт муассасаларида имтиёзли тоифага кирувчи шахсларнинг бепул даволаниш (тиббий йўлланма) харажатлари учун 589 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Мажлисда қайд этилганидек, умумтаълим муассасалари, мактабгача таълим ташкилотлари, соғлиқни сақлаш муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш, шунингдек, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари доирасида объектларни қуриш, реконструкция қилиш ҳамда таъмирлаш-тиклаш харажатларини тегишли маҳаллий бюджетлардан амалга ошириш белгиланмоқда.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг масъулияти ва манфаатдорлигини кучайтириш ва ваколатларини кенгайтириш мақсадида адвокатлар томонидан кўрсатилган юридик ёрдам учун ҳақ тўлаш, кўп квартирали уй-жой фондига туташ ҳудудларни таъмирлаш харажатлари ва Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги тизимига кирувчи иссиқлик таъминоти ташкилотларининг иссиқлик тармоқлари ва қозонхона ускуналарини капитал таъмирлаш харажатлари маҳаллий бюджетларга ўтказилмоқда.

Шу билан бирга, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва кўп йиллардан бери аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни тезкор ҳал этиш мақсадида 2022 йил 1 январдан бошлаб республиканинг барча туман (шаҳар)ларида тегишли бюджетларнинг тасдиқланган умумий харажатларининг 5 фоизи, туман (шаҳар)лар бюджетлари қўшимча маблағларининг камида 30 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириш қонун билан мустаҳкамланмоқда.

Халқ вакиллари томонидан ўтган даврлар давомида Давлат бюджети тўғрисидаги қонунларни қабул қилиш ва уларнинг ижроси бўйича ҳисоботларни кўриб чиқиш жараёнида билдирилган таклиф ва тавсиялар ҳам 2022 йилги бюджетномада ўз аксини топмоқда. Хусусан, маҳаллий бюджетлар даромадларини ошириш мақсадида Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетига, вилоятларнинг вилоят бюджетларига ва Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказиладиган тушумларга қўшимча тарзда тамаки маҳсулотлари учун акциз солиғи бўйича тушумлар тўлиқ ҳажмда ўтказилиши белгиланмоқда. Консолидациялашган бюджет таркибига бюджетдан ташқари жамғармалар ҳам киритилмоқда.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг “Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинди.

Масъул қўмитага қонун лойиҳасини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида билдирилган фикр-мулоҳаза ва таклифлар асосида лойиҳани мутахассислар ва экспертлар иштирокида муҳокама қилиб, маромига етказиш топширилди.

**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Матбуот хизмати.**

## Муносабат

# «NURAFSHON TV» ЗИММАСИГА ЗАЛВАРЛИ ВАЗИФАЛАР ҚЎЙИЛГАН

*Президентимизнинг шу йил 18 ноябрдаги “Тошкент вилояти телерадиоканалини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори вилоятда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва яратилаётган имкониятлардан аҳолининг хабардорлигини кенгайтириш, шунингдек, ҳудуд тарихи, урф-одат ва анъаналари, бой табиати ва туризм салоҳиятини кенг тарғиб этиш ҳамда минтақада таъсирчан медиамакон яратишни қўллаб-қувватлаш мақсадида қабул қилинди. Қарорга мувофиқ, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида Тошкент вилояти телерадиоканали — “Nurafshon TV” йўлга қўйилади.*

Бугунги кунда Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида марказий телерадиоканаллардан ташқари, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 12 та ҳудудий телерадиоканал фаолият олиб бормоқда ҳамда улар, аввало, шу ерда истиқомат қилувчи аҳолини ҳудуд ҳақидаги тезкор янгилик ва ахборотлардан воқиф этишга хизмат қиляпти. Шунингдек, ҳудудий телерадиоканаллар халқ билан мулоқот тамойили асосида жойлардаги муҳим ижтимоий-иқтисодий масалалар ечими юзасидан фуқаролар ва мутасаддилар ўртасида ўзига хос мулоқот майдони вазифасини ўтаяпти.

Ҳудудий телерадиоканалларга давлат томонидан эътиборнинг кучайтирилаётганлиги, аввало, халқ билан ҳокимият ўртасида кўприк бўлишга қаратилгани боис аҳамиятли. Ҳудудий телерадиоканалларнинг энг кенжаси бўлмиш “Nurafshon TV” кўрсатувлари мамлакатимизнинг Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳри, шунингдек, қўшни давлатларнинг бир қатор аҳоли пунктларини қамраб олади.

Телерадиоканал зиммасига муҳим вазифалар юклатилмоқда. Хусусан, Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ва маданий-маънавий ҳаётида рўй бераётган ислоҳотлар, фаровонлик, тараққиёт ва бунёдкорлик йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар ҳамда яратилган имкониятлар ҳақида аҳолини мунтазам хабардор қилиб бориш, ислоҳотларни амалга оширишга тўсиқ бўлаётган омилларни кенг жамоатчилик муҳокамасига олиб чиқиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, бошқа ташкилотлар фаолияти юзасидан самарали ва таъсирчан жамоатчилик назоратини ўрнатиш, аҳолининг сиёсий ва ижтимоий фаоллигини кучайтириш, қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, сифатли давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда улардан самарали фойдаланишни телерадиодастурлар орқали ёритиш сингари вазифалар шулар жумласидан.

Бундан ташқари, ҳудуднинг тарихи, маданияти, санъати, адабиёти ва урф-одатлари, бой табиати, сўлим гўшалари, туризм салоҳиятини акс эттирувчи, уларни ўрганиш, асраб-авайлаш ва кенг тарғиб қилишга йўналтирилган кўрсатув ва эшиттиришлар тайёрлаш, аҳолининг интеллектуал ва маданий савиясини ошириш, фуқароларнинг онгида демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, миллатлараро тотувлик руҳида тарбиялашни тарғиб қилиш, давлат ва нодавлат телерадиокомпаниялар, ахборот агентликлари, шунингдек, халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашиш бўйича самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш сингари ишлар ҳам янги телерадиоканал масъулиятига киради.

Айни вақтда Нурафшон шаҳрида Тошкент вилояти телерадиоканали учун комплекс бино қуришга 1,3 гектар ер майдони ажратилган ҳамда қурилиш бўйича лойиҳа-қидирув ишлари амалга оширилиб, лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган. Қарорда масъулларга 2022 йил якунига қадар объектда қурилиш-монтаж ва ободонлаштириш ишларининг сифатли бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилди. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси ва телерадиоканални технологик жиҳозлаш учун республикада ишлаб чиқарилмайдиган импорт товарлар — мультимедиа, радиотелевизион ускуналари, материаллар, дастурий таъминот ва эҳтиёт қисмларни олиб киришда 2024 йил 1 январга қадар божхона имтиёзлари жорий этилади.

Шунингдек, қарорда телерадиоканал биноси фойдаланишга топширилгунга қадар унинг фаолиятини йўлга қўйиш, ижодий-техник ходимлар учун шароит яратиш, Тошкент вилоятининг ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий ҳаётига оид воқеа-ҳодисаларни ёритиб борувчи асосий кундалик информацион дастурни тайёрлаб бориш билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал этиш вазифаси белгиланган. Бундан ташқари, мазкур ҳужжатга биноан, “Yoshlar”, “Navo” ва “Kinoteatr” телеканаллари ихтисослаштирилган реклама хусусиятига эга бўлган канал сифатида фаолият кўрсатишига рухсат берилди, “Ўзбекистон” телерадиоканалида “Қишлоқ хўжалиги” таҳририяти ташкил этиладиган бўлди.

Бугун одамлар, аввало, ўз қишлоғи, шаҳри ва туманида бўлаётган янгиликлар, воқеа-ҳодисаларни билишни истайди. Чунки бу воқеалар бевосита ёки билвосита ўзининг ҳаётига, турмушига таъсир кўрсатишини яхши англайди. Шундай экан, янги ташкил этилаётган телерадиоканал фаолиятига ҳам Тошкент вилояти аҳолиси катта умид билан қараётгани аниқ. Ишонамизки, мазкур телерадиоканал вилоят аҳлининг овози, минбари сифатида медиамаконда ўз ўрнини топади.

**Шодиёр МУТАҲАРОВ («Халқ сўзи»).**

# ТАДБИРКОРЛАР КУНИ БЕЛГИЛАНМОҚДА

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлисида “Тадбиркорлар кунини белгилаш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди.*

Депутатлар томонидан биринчи ўқишда кўриб чиқилган қонун лойиҳаси давлатимиз раҳбарининг мамлакатимиз тадбиркорлари билан очиқ мулоқоти давомида берилган топшириқлар ҳамда 2021 йил 24 августдаги тегишли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган.

Қайд этилганидек, мамлакатимизда Президентимиз раҳбарлигида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, хусусий мулкни ҳимоя қилиш ҳамда унинг дахлсизлиги кафолатларининг ҳуқуқий механизмларини янада мустаҳкамлаш, инвестиция жалб қилиш ва бизнесни юритиш учун қулай муҳит яратиш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Президентлик фаолиятининг илк кунларидаёқ аҳолининг кенг қатламини тадбиркорликка жалб қилиш ва уларнинг даромад манбаларини кенгайтириш, тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, самарали фаолият кўрсатиши учун барча шарт-шароитларни яратишни мақсад қилди ва амалга оширилаётган ислоҳотлар ана шу эзгу мақсад-муддаога қаратилди. Зотан, Юртбошимизнинг деярли ҳар бир сўзи тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, одамларни ишбилармон қилишга йўғрилган.

Биргина сўнгги беш йилда бу соҳани ривожлантиришга қаратилган 2 мингга яқин қонун, Фармон ва қарорлар қабул қилингани натижасида 114 та лицензия ва рухсатнома бекор қилиниб, 33 та фаолият тури хабардор этиш тартибига ўтказилди. Рухсатномаларни расмийлаштириш тартиблари соддалаштирилган ҳолда, муддатлари ўртача 2 баравар қисқартирилди.

Бундай қулайлик ва имкониятлар туфайли янги субъектлар кескин кўпайиб, аввалдан ишлаётганлари фаолиятини кенгайтирмоқда. Қувонарлиси, охирги беш йилда тадбиркорлар сони қарийб 3 баравар ошди. Кўп ишбилармонлар ўз бизнесини мамлакат миқёсида кенгайтириб, минглаб иш ўринлари яратди ва нуфузли йирик компаниялар эгасига айланди.

Таклиф этилаётган қонун лойиҳаси, шубҳасиз, янги Ўзбекистоннинг барпо этилишида тадбиркорликнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий аҳамиятини янада юксалтириш, жамиятимизда ишбилармонликни оммалаштириш ҳамда инсофли тадбиркорликни тизимли рағбатлантириш имконини беради. Зеро, қонун лойиҳаси билан юртимизда 20 август — Тадбиркорлар куни сифатида белгиланмоқда.

Депутатларнинг айтишича, қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорларнинг мамлакатимиз тараққиётига қўшаётган ҳиссасига эътиборни қаратиш ва баҳолаш, катта ютуқларга эришган ва жамиятнинг ижтимоий муаммоларига ечим топишда фаол қатнашаётган соҳа вакилларини аниқлаш ҳамда уларни тақдирлаш, аҳолини, айниқса, ёшларни бизнесга кенг жалб этишга хизмат қилади.

Мажлисда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан учинчи ўқишда қабул қилинди.

**«Халқ сўзи».**

# ҚОНУН ИЖОДКОРЛИГИДА ЖАМОАТЧИЛИК ФИКРИ МУҲИМ

*Маълумки, демократик жараён фуқароларни турли масалалар бўйича, шу жумладан, қонунчиликни шакллантиришда ўз фикрини билдиришга ундаши, шубҳасиз. Бунда жамоатчилик фикрини ўрганиш ва уни тўғри ташкил этиш масалалари муҳим роль ўйнайди.*

*Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланишини такомилига етказиш мақсадида 2018 йил 8 августда “Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Фармонда норма ижодкорлиги соҳасида мавжуд муаммолар сабаблари келтирилиб, шулар қаторида жамоатчилик фикри тегишли даражада инобатга олинмаслиги ҳам кўрсатиб ўтилган.*

## Нуқтаи назар

Норма ижодкорлиги фаолиятини такомиллаштириш концепциясида белгиланган вазифалар қаторида тартибга солувчи қарорлар қабул қилиш учун асосларнинг етарлилиги принципининг амалда ишлашини таъминлаш кўрсатилган. Яъни бунда давлатнинг тартибга солувчи аралашувига йўл қўйилиши фақатгина бошқа чоралар (маъмурий тартиб-таомиллар, бошқаришга оид қарорлар, судда кўриб чиқиш) муайян муаммони ҳал эта олмасагина ва бундай аралашув зарурлиги етарли даражада, шу жумладан, мурожаатларни, жамоатчилик фикри сўрови натижаларини ва амалдаги қонун ҳужжатларидаги бўшлиқларни ўрганиш ва таҳлил қилиш негизида асосланган бўлсагина рухсат этилишини англатади.

Концепцияда “фуқароларга қонун лойиҳаларини барча босқичларда кўриб чиқиш ва қабул қилиш жараёни ҳақидаги ахборотни монеликсиз олиш имконини берувчи қонун ҳужжатлари маълумотлари билан ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини яратиш ва Олий Мажлис палаталари фаолиятига татбиқ этиш” вазифаси белгиланган бўлиб, ушбу тизим ўз навбатида, қонун ижодкорлиги фаолиятида жамоатчилик фикрини мажбурий равишда ўрганишни ҳам қамраб олиши зарурлиги кўрсатилган.

Алоҳида урғу бериб айтиш мумкинки, концепция қонун ижодкорлиги соҳасида жиддий ижобий ўзгаришларга, қонунларнинг сифати ва самарадорлигига хизмат қилувчи янги элементларни олиб кирди.

“Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида”ги Қонунда ҳам норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда жамоатчилик фикрини ўрганиш масалаларига эътибор қаратилган норма мавжуд. Хусусан, норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини тайёрлашда ишлаб чиқувчининг вазифалари қаторида — “давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг, шунингдек, айрим фуқароларнинг таклифларини, оммавий ахборот воситаларининг материалларини, илмий ва бошқа ташкилотларнинг, олимлар ҳамда мутахассисларнинг маслаҳатлари ва тавсияларини, жамоатчилик фикрини аниқлашнинг бошқа воситалари маълумотларини умумлаштиради ҳамда улардан фойдаланади”, деб белгиланган.

Бундан ташқари, 2019 йилдан бошлаб бюджет маълумотларининг очиқлигини ва бу жараёнда фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида бюджет маблағларини тақсимлашда фуқаролар иштирокининг туман ва шаҳарлар бюджетлари қўшимча манбаларининг маълум фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришни назарда тутадиган механизм жорий этилди.

Қонунчиликда бундай нормаларнинг мавжудлиги, албатта, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сифати, уларнинг самарадорлиги ошишига ва халқ манфаатини тўғри ифодалашга йўналтирилгандир. Лекин таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, нафақат мамлакатимизда, балки аксарият ривожланаётган давлатларнинг қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикрини ўрганиш йўналишида ҳали ҳал этилиши зарур бўлган масалалар мавжуд.

Масалан, кўпгина ривожланаётган мамлакатларнинг қонунчилигида “жамоатчилик фикрини ўрганиш” тушунчасининг таърифи, уни ташкил этиш масалалари, у қаерда ва қандай принциплар ва методлар асосида ўтказилиши очиб берилмаган. Бу эса, ўз навбатида, мамлакат учун муҳим масалалар бўйича қарорлар қабул қилишда асослантирилмаган (тегишли илмий асосга эга бўлмаган услублар орқали тўпланган) маълумотлар жамоатчилик фикри сифатида тақдим этилишига олиб келади.

Социолог Жеймс Бенигер (James R. Beniger)нинг фикрига кўра, турли ноилмий сўровлар жамоатчилик фикрини тўғри ўлчай олмайди ва ифода этолмайди. Шуларни инобатга олиб, Филлипс Дэвисон (W. Phillips Davison) ноилмий услублар асосида сўровлар ўтказиш оммабоплигини, улар кўпинча радио, теледастур ва веб-сайтларнинг ўз тингловчиларини қизиқтиришда яхши восита сифатида хизмат қилиши тўғрисида фикр билдираркан, репортёрлар кўпинча уларнинг мазмунига нотўғри ёндашиб, “жиддий ва холис жамоатчилик фикри”, деб талқин этилиши салбий оқибатларга олиб келишини, хусусан, манфаатдор сиёсий кучлар ёки гуруҳлар сўров натижаларидан ўз манфаатида фойдаланишга хизмат қилишини айтиб ўтган.

Демак, хулоса чиқариш мумкинки, фуқаролар фикрини ўрганишда илмий ва ноилмий услублардан фойдаланса бўлади, ноилмий услубларни ишлатишда жиддий талаблар қўйилмайди, лекин давлат ва жамият аҳамиятидаги муҳим масалалар бўйича жамоатчилик фикрини ўрганиш учун албатта, илмий услублардан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, 2019 йил 22 февралда муҳим ҳужжат — “Социологик тадқиқотлар ўтказишни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент Фармони қабул қилинди. Мазкур Фармон билан жамоатчилик фикрининг тизимли мониторингини таъминлаш ҳамда мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётида унинг натижаларидан фойдаланиш, шунингдек, Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни самарали амалга ошириш мақсадида “Ижтимоий фикр” марказининг ҳуқуқий мақоми кучайтирилди, айни чоғда, марказ томонидан ўтказиладиган тадқиқот ва унинг натижаларига эътибор ҳам оширилди.

Фикримизча, сўнгги йилларда Ўзбекистонда қабул қилинган қарорлар қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикрини инобатга олиш масалаларини ҳамда социологик тадқиқотлар ўтказиш фаолиятини янги босқичга кўтаришга йўналтирилган муҳим қадам бўлди. Навбатдаги қадамлар эса, мамлакатимизда “жамоатчилик фикри” тушунчасига тўғри ёндашиш ва уни ўрганиш, тадқиқотлар ўтказиш маданиятини ошириш ҳамда социологик тадқиқотлар билан шуғулланувчи давлат ва нодавлат ташкилотларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш, соҳадаги тизимли муаммоларни комплекс тарзда ҳуқуқий тартибга солишга йўналтирилса мантиқий жиҳатдан тўғри бўлади.

Юқоридагиларни инобатга олиб, қонун ижодкорлигида жамоатчилик фикрини ўрганишни фақат илмий методлардан фойдаланган ҳолда ўтказиш мумкинлиги тўғрисидаги қоидани миллий қонунчиликка киритиш масаласи кўриб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.

Шу билан бирга, жамоатчилик фикрини ўрганиш ва социологик тадқиқотлар ўтказиш амалиёти сифатини ошириш мақсадида мазкур соҳани комплекс тарзда ҳуқуқий тартибга солиш масаласини ҳам ўрганиш бугунги рақамлаштириш даврида муҳим аҳамиятга эга. Яъни жамоатчилик фикрини ўрганиш ва социологик тадқиқотлар ўтказиш талаблари, тадқиқотчилар томонидан риоя қилиниши зарур бўлган қоидалар мажмуасини белгилашга йўналтирилган Жамоатчилик фикрини ўрганиш ва социологик тадқиқотлар ўтказиш кодекси лойиҳасини ишлаб чиқиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

**Дониёр ТЎРАЕВ,**
**ҳуқуқшунос.**
**Фароғат ФАЙЗИЕВА,**
**социолог.**

# ЯНГИ БОЗОРЛАРНИ ЎЗЛАШТИРИШ БОРАСИДА ТАКЛИФЛАР БЕРИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси томонидан “Янги бозорларни ўзлаштириш иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини оширишнинг муҳим омили” мавзуида давра суҳбати ўтказилди.*

## Давра суҳбати

Тегишли соҳа, мутасадди вазирлик ва идоралар вакиллари қатнашган тадбирда жорий йилда чет элларда ўтказилган халқаро кўргазма ва ярмаркаларда маҳаллий ишлаб чиқарувчилар иштирокини таъминлаш, хорижий мамлакатларда савдо уйлари, “шоу-рум”лар ва реклама кампанияларини ташкил этиш ишларини жадаллаштириш, шунингдек, 2021 йилда алоҳида маҳсулот турлари учун янги — 40 та давлат бозорларини ўзлаштириш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар муҳокама қилинди.

Қайд этилганидек, шу йилнинг январь — октябрь ойларида экспортчи корхоналарнинг янги бозорларни ўзлаштиришига кўмаклашиш учун 171 та маҳаллий экспорт қилувчи корхонанинг халқаро кўргазма ва ярмаркаларда иштирок этишини таъминлаш мақсадида 13 миллиард, 235 та корхонага халқаро стандарт ва сертификатни жорий қилишга 28,1 миллиард сўмлик, 43 та маҳаллий экспорт қилувчи корхонага тақдимот ва реклама кампанияларини ўтказиш бўйича 2,4 миллиард сўмлик ёрдам кўрсатилган.

Шунингдек, 344 та экспортёр корхонага маҳсулотларни экспорт қилишда ташиш харажатларининг бир қисмини қоплаш учун 110,2 миллиард сўмлик компенсация тўлаб берилди. 1 минг 15 та маҳаллий экспорт қилувчи корхонага юртимиз ва чет эл компанияларини, мутахассисларни жалб қилган ҳолда бизнес-семинарлар, тренингларда иштирок этишига 1,4 миллиард сўмлик молиявий ёрдам кўрсатилди.

Ўз навбатида, шу йилнинг январь — октябрь ойлари якуни билан 9 739 миллион АҚШ доллари миқдорида товар ва хизматлар экспорти амалга оширилиб, бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 131 фоизни ташкил этди. Қолаверса, ҳисобот даврида республика иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудлари жами ташқи бозорлар диверсификацияси 53 тага ошиб, янги бозорларга амалга оширилган маҳсулотлар экспорти 57,2 миллион долларга етди. Йил якунига қадар эса янги — 57 та давлат бозорлари ўзлаштирилиши натижасида қўшимча 61 миллион долларлик экспорт ҳажми таъминланиши кўзда тутилмоқда.

Тадбирда “Ўзчармсаноат” уюшмаси тизимида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан пойабзал маҳсулотларининг экспорти 1,3 баробар ошиб, 33,2 миллион жуфтни ташкил қилгани, унинг импорти эса 72 фоиз камайгани айтиб ўтилди. Жорий йилда соҳанинг экспорт географиясига Австрия, Франция, Германия, БАА, АҚШ, Исроил ва Миср каби давлатлар қўшилгани ҳолда соҳа маҳсулотлари экспорт қилинаётган мамлакатлар сони 40 тага етиши қайд этилди.

“Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибидаги қайта ишлаш корхоналарини пилла хом ашёси билан мутаносиб равишда таъминлаш натижасида уларнинг мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 2016 йилда 17,9 фоиз бўлган бўлса, 2021 йилда бу кўрсаткич 100 фоизга чиқарилади.

Шунингдек, ипак маҳсулотларининг экспорт географияси, асосан, 23 та давлатни ўз ичига олиб, 2021 йилда тизим корхоналари томонидан 86,7 миллион доллар миқдорида бундай маҳсулотларни экспорт қилиш белгиланган.

Тадбирда янги экспорт бозорларини ўзлаштириш, иқтисодиёт тармоқлари ва ҳудудлар экспорт салоҳиятини юксалтиришга оид чора-тадбирлар самарадорлигини ошириш, соҳадаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан қатор таклиф ва тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**



## Яхшилар ёди

*Ҳазрат Жалолиддин Румийнинг шундай ҳикмати бор: “Яхши инсон ўзидан бахт, ёмон инсон ўзидан тажриба, хатокор инсон ўзидан дарс, мукаммал инсон ўзидан яхши из қолдиради”. Бутун умрини таълим-тарбия ва илмга бахшида қилган заҳматкаш олим ва камтарин инсон Ўктам Умурзоқов ўзидан яхши из қолдириб кетди...*

*Вақтни моҳир табиб, дейишади. Маҳорати шундаки, унинг изми билан кун келиб, кўп нарса унутилади, эсдан чиқади. Ҳаёт ҳақиқати шундай. Лекин келгуси авлод бахту саодати йўлида чинакам фидойилик кўрсатган инсонлар ёди мангу яшайди.*

*Бинобарин, инсон хотира туйғуси билан барҳаётдир. Хотира кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англатиб турувчи муқаддас китоб зарварақларидек ҳаётимизни ёритиб туради. Ушбу буюк мезонни нафақат яқинлари, балки ҳамкасблари, маслакдошлари, шогирдлари, барчага эслатиб турадиган тенгсиз мақом эгалари эса устозлардир. Ўктам Умурзоқов ана шундай инсонлардан бири эди. Профессор ўзининг эзгу амаллари ва даъватлари, мамлакат олий таълими тараққиёти йўлидаги фидойи меҳнати, ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказиш йўлидаги тинимсиз изланишлари, ёруғ орзу-ниятлари билан кўпчилик қалбида ўчмас машъала ёқиб кетди.*

# ИЛМ-ФАН ВА МАЪРИФАТГА БАХШИДА УМР

...2021 йил 26 июль. Ўзбекистон олий таълим тизими оғир жудоликка учраган кун сифатида қалбларимизда муҳрланиб қолди. Шу куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти ректори, Республика олий таълим кенгаши раиси, таниқли олим ва педагог, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ўктам Пардаевич Умурзоқов 68 ёшида вафот этди.

Ўктам Умурзоқов юртимизнинг забардаст фарзанди эди. У 1952 йили Сирдарё вилоятида туғилиб, таълим-тарбия олди. Ўрта мактабни тугатганидан сўнг Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида таҳсил олди. Уни имтиёзли диплом билан тамомлади.

У тақдирини шу олий ўқув юрти билан боғлади, десак, айни ҳақиқат. Зотан, ўзи таҳсил олган жойда бутун умр меҳнат қилиш бахти ҳар кимга ҳам насиб этавермайди. Ўктам Пардаевичнинг меҳнат дафтарчасида фақат битта даргоҳ — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти иш жойи сифатида ёзилган, холос. Зотан, у педагоглик фаолиятини 1974 йили мазкур олийгоҳда кичик илмий ходим лавозимидан бошлаб, умрининг охирига қадар ушбу таълим даргоҳида лаборатория мудири, факультет декани, проректор, ректор маслаҳатчиси ва ректор каби масъул вазифаларда самарали ишлади. Минглаб шогирдлар етиштирди — улар орасида фан докторлари, бугун иқтисодиётимизнинг турли жабҳаларида меҳнат қилаётган таниқли инсонлар кўпчиликни ташкил этади.

Жонкуяр олим ва педагог қайси лавозимда ишламасин, ҳаволаниш, кибр унга мутлақо бегона эди, ҳамма билан бирдек мулоқотда бўлар, сидқидилдан меҳнат қиларди. Мамлакатимизда олий таълим соҳасини ривожлантириш, миллий иқтисодиётимиз учун юксак малакали кадрлар тайёрлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, илмий тадқиқот ишлари самарасини оширишдек эзгу мақсадлар ҳаётининг мазмунига айланган эди.

Тажрибали педагог-олим, меҳрибон устоз, таълим соҳасининг жонкуяр ташкилотчиси, жонажон Ўзбекистонимизни чин дилдан севган ватанпарвар инсон сифатида, айниқса, кейинги йилларда Республика олий таълим кенгаши раиси лавозимида юртимизда олий таълим тизимида олиб борилаётган туб ислоҳотларни амалга ошириш жараёнларида фаол қатнашиб, соҳага замонавий талаб ва мезонлар, илғор хорижий тажрибаларни жорий этиш борасида жонбозлик кўрсатди. Бунинг самараларини бугун биз, педагоглар яқиндан ҳис қилиб турибмиз.

Ўктам ака деярли ҳар бир чиқишида давлат раҳбарининг “Ҳаммамизга аёнки, тараққиётнинг тамал тоши ҳам, мамлакатни қудратли, миллатни буюк қиладиган куч ҳам бу — илм-фан, таълим ва тарбиядир. Эртанги кунимиз, Ватанимизнинг ёруғ истиқболи, биринчи навбатда, таълим тизими ва фарзандларимизга бераётган тарбиямиз билан чамбарчас боғлиқ”, деган гапларини алоҳида таъкидлаб, унинг мағзини бошқаларга ҳам жуда теран ва чуқур тушунтириб берарди.

“Мамлакатимизда 2019 йилнинг октябрида Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга интеллектуал тараққиётни жадаллаштириш, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, илмий ва инновацион фаолиятни самарали ташкил этиш ҳамда халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграциясини ривожлантириш сингари вазифалар асос қилиб олинди. Концепция мазмуни мамлакатимиз олий таълим тизимини ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини акс эттиради. Унда олий ўқув юртларида қамров даражасини кенгайтириш ҳамда таълим сифатини ошириш, рақамли технологиялар ва таълим платформаларини жорий этиш, ёшларни илмий фаолиятга жалб қилиш, инновацион тузилмаларни шакллантириш, илмий тадқиқотлар натижаларини тижоратлаштириш, халқаро эътирофга эришиш ҳамда бошқа кўплаб аниқ йўналишлар белгилаб берилган. Буларнинг барчаси таълим жараёнини янги сифат босқичига кўтариш учун хизмат қилади.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўқитувчи ва мураббийлар кунига бағишланган тантанали маросимдаги даъваткор нутқи ҳам ана шундан далолат беради. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, биз кенг кўламли демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислоҳотлари орқали Ўзбекистонда янги Уйғониш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик”, деб ёзган эди олий таълим фидойиси матбуотдаги чиқишларидан бирида.

Биз билан бўлган суҳбатларда ҳам, албатта, гап ройиши малакали кадрлар тайёрлаш мавзусига буриларди. Учинчи Ренессанс Ўзбекистонда яқин йилларда рўй беришини, бу эса мамлакатнинг барча жабҳада гуллаб-яшнашига хизмат қилишини, Ўзбекистон жаҳонда энг илғор давлатга айланишини чин дилдан орзу қиларди.

**Моҳир ташкилотчи раҳбар Ўктам Умурзоқовнинг саъй-ҳаракатлари билан сўнгги йилларда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти мамлакатимиздаги етакчи олийгоҳлардан бири сифатидаги мавқеини қайта тиклаб, халқаро майдонда ҳам обрў-эътибор қозонди. Хусусан, ўтган йили “Times Higher Education” рейтинг агентлиги томонидан эълон қилинган дунё университетлари рейтингида институт “Clean water and sanitation”, “Life on land” йўналишлари бўйича дунё университетларининг умумий рейтингида 201+ ўринни қайд этди. Ва институт Ўзбекистон тарихида иккита йирик THE ва QS рейтинг агентликлари томонидан тан олинган биринчи олий таълим муассасасига айланди. Бунда Ўктам Умурзоқов раҳбарлигида ушбу илм даргоҳи охирги йиллардаги очиқлик шароитида жаҳондаги бир неча машҳур университетларнинг илмий, таълимий ва тадқиқот фаолияти, шунингдек, халқаро таълим дастурлари тизими билан ҳамкорликда иш олиб боргани муҳим омил бўлди.**

Ўктам ака бошқаларни ҳам ҳалол ва шаффоф фаолият юритишга қатъий ундар, кези келганда, талаб ҳам қиларди. Чунки бу Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётидаги жадал янгиланиш ҳамда ўзгаришлар шароитида таълим ва фанни инновацияларга йўналтирилган ҳолда ривожлантириш мақсадларига тўла мос келишини айтар экан, ушбу йўналишдаги янги таълимий парадигмаларни, тадқиқот университетлари томонидан мамлакатда инсон капиталини ошириш бўйича олимлар ҳамда талабалар учун яратилаётган имкониятларни тушуниб етиш кераклигини таъкидларди.

Ўктам Умурзоқовнинг меҳнат фаолиятига холис баҳо берилса, унинг Ўзбекистон олий таълим соҳасини ислоҳ қилишга қўшган катта ҳиссаси кўпроқ тош босади. Бу, айниқса, билим даргоҳларининг қиёфаси ўзгариб, моддий-техника базаси яхшилангани, илмий ишланмаларни молиялаштириш ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш кучайтирилгани, жумладан, профессор-ўқитувчиларнинг даромадлари ҳам ортгани мисолида кўзга яққол ташланади. Катта давраларда буни қувонч билан қайд этар, профессор-ўқитувчилар, академиклар юз-кўзидаги мамнунликни кўрганида худди ёш боладек севинарди. Соҳанинг муаммоси билан яшаган, ютуғидан илҳом олган ҳақиқий фидойи педагогга хос фазилат бу, аслида.

Ўктам ака ислоҳотлар ҳақида гапирар экан, Президентимизнинг 2016 йил декабрида Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясида бўлиб ўтган илм аҳли ва зиёлилар билан учрашувини тез-тез ёдга оларди.

“Ўшанда давлат раҳбари мамлакатимиз саноати, аграр тармоғи ва умуман, иқтисодиётида хорижда ишлаб чиқарилган замонавий технология ҳамда жиҳозларни жорий этиш ва улардан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратганди. Ўзбекистондаги йирик таълим даргоҳининг раҳбари сифатида мен бу фикрни ўзимга ҳамда институтимиз жамоасига ҳам тегишли, деб қабул қилдим. Негаки, гап рақамли ечимлар асосида ишлайдиган мураккаб технологик комплекслардан тортиб, то оддий муҳандислик ишланма ва ускуналаригача четдан келтирилаётгани ҳақида борар эди.

Биз янгиланишу кашфиётлар остонасига жуда яқин келдик. Мақсадни белгилаб олганмиз... 2022 йилда нишонланадиган бир асрлик юбилей арафасида биз институт тарихидаги янги юз йилликка инновацион ютуқлар билан, янги вазифаларни ҳал этишга қаратилган саъй-ҳаракатлар билан, янги платформада ривожланиш ва муваффақиятлар билан қадам қўймоқчимиз”, дея бу борадаги мақсадлар ҳақида сўзларди у.

Афсуски, бу катта ниятлар рўёбида энди Ўктам ака иштирок эта олмайди. Лекин унинг ортидан келаётган муносиб издошлари ва шогирдлари бу ёруғ мақсадларни, албатта, амалга оширади. Биз бунга ишонамиз. Зеро, ҳақиқий устознинг ўгитлари ҳеч қачон ерда қолмайди.

Ўктам Умурзоқовнинг хотираси у яратиб кетган маънавий сарчашма, назарий хазиналарда ҳам яшайди. Боиси таниқли олим ўзининг қарийб 50 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида қишлоқ хўжалиги иқтисодиётини ривожлантириш бўйича кўплаб дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий монография, патент ҳамда методик қўлланмалар яратди. Ёшларнинг меҳрибон ва талабчан устози сифатида ўнлаб фан докторлари ва номзодларига илмий раҳбарлик қилди.

Ўз навбатида, Президентимиз ташаббуси билан Ўзбекистон тараққиётининг “драйвер”ига айланиб бораётган кластерлар тизимини биринчилардан бўлиб қизғин қўллаб-қувватлаган, уни кенг татбиқ этишда фаол қатнашиб, илмий асосларини такомиллаштиришга катта ҳисса қўшган фидойи олимлар даврасида эди.

— Давлатимиз раҳбари дунёнинг илғор мамлакатлари қаторидан жой олиш йўли, бу — аграр соҳада, илм-фанда, таълим тизимида ва бошқа соҳаларда кластер тизими жорий этилиши ҳисобланишини кўп бор таъкидлаб келяпти, — деган эди у суҳбатлардан бирида. — Енгил саноат, нефть-газ, кимё, биотехнология, АКТ, автомобилсозлик, транспорт-логистика, рекреацион-туристик, озиқ-овқат, таълим, балиқчилик, паррандачилик, асаларичилик, ипакчилик соҳаларида кластер тизимини яратиш илмий тадқиқот ва ишланмаларни молиялаштириш ҳажмини кўпайтиради, сифатини яхшилайди. Инвестициявий ташқи лойиҳаларда иштирок этиш, илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги имкониятларини яратади. Бундан ташқари, кластер тизимида таълим ишланмаларини яратиш, уларни қисқа муддатда синовдан ўтказиш, ишлаб чиқариш ва илмий изланишлардаги ходимлар ҳамда мутахассислар меҳнатини кўпроқ рағбатлантириш, янги товарларни Ўзбекистон бренди билан ихтиро қилиш учун кенг имкониятлар ва шароит пайдо бўлади.

Ўктам ака кластер ғоясининг тарафдори сифатида мамлакатимиздаги пахта-тўқимачилик кластерлари билан мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйган эди. Институт талабалари ва профессор-ўқитувчиларини кластер корхоналарига амалиёт ҳамда илмий тадқиқотлар учун мунтазам жўнатар, ўз навбатида, кластерлар раҳбарлари ва таъсисчиларини олий таълим даргоҳига тез-тез чорлаб, инновацион ғоялар, илм-фан, таълим ҳамда ишлаб чиқариш интеграциясини янада чуқурлаштириш юзасидан тенг манфаатли лойиҳалар устида муҳокамалар ўтказар эди.

Ўктам Умурзоқов мамлакатимиз илмий ва педагогик жамоатчилиги ўртасида кўзга кўринган йирик олим, тажрибали раҳбар ва донишманд устоз сифатида барчамизнинг ёдимизда бутун умр сақланиб қолади. Зотан, бу кишида инсонийликнинг барча жиҳати бисёр эди: ҳеч кимдан ҳеч қачон нолимас, муҳтожлардан ёрдамини аямас, бировнинг дилини беҳуда оғритмас, қиладиган ишини меҳр билан бажарар, атрофдаги воқеа-ҳодисаларга муносабатини билдирар, эл-юрт келажаги, оиласи, фарзандлари тақдирига бефарқ бўлмас эди. Бундай инсондан фахрланиб яшаш халқимизга хос эзгу қадриятдир.

**Бакридин ЗАРИПОВ,**
**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети профессори, академик.**

## Тақдимот

*Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида публицист ва шоир Абдуҳолиқ Абдураззоқовнинг “Уч юз олтмиш бешинчи кун гаплари” китоби тақдимоти бўлиб ўтди. Унда ижодкорнинг дўстлари, шоир-ёзувчилар ва кенг жамоатчилик вакиллари қатнашди.*

# МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДАН СЎЗЛОВЧИ БАДИАЛАР

Таъкидланганидек, мазкур китоб бадиа жанрида ёзилган бўлиб, унда муаллиф замондошлари — ўзи яхши билган, бирга ишлашган, ҳамкорлик қилган ижодкорлар ҳаёти, ижодий фаолияти, ўй-ташвишлари ҳақида ҳикоя қилади.

— Муаллиф бадиаларида, масалан, “Пиримқул Қодиров, Ҳалима Худойбердиева фалон пайтда бундай деган, пистон пайтда ундай деган” дея қаҳрамонлари дохил бўлган воқеликка қозилик қилиб ўтирмайди, — дейди Журналистлар ижодий уюшмаси раҳбари Олимжон Ўсаров. — Бор гапни ўртага ташлаб, хулоса чиқаришни ўқувчининг ўзига қолдиради. Лекин бу холислик тамоман бегоналик даражасига бурилиб кетмайди. Чунки талатўпларга тўла замонамизда Абдуҳолиқ Абдураззоқов доим ўзининг қаҳрамонлари тарафида бўлган, руҳан улар билан бирга яшаган ва курашган.

Дарҳақиқат, “Бевосита иштирокчилик” руҳи муаллифнинг “Менинг Ҳалима опам”, “Лолазор”, “Уч юз олтмиш бешинчи кун гаплари” бадиаларида ҳам етакчилик қилади.

Тарихий шароит қулай келиб қолгани учун биз Ўзбекистон мустақиллигини ҳеч қандай қон тўкмасдан эълон қилдик. Лекин унга етишиш учун дарё-дарё қонлар тўкилганини ҳам унутмаслик лозим. Уни ҳимоя қилиш, бугунги даражага етказиш учун ватанпарвар ва миллатпарвар юртдошларимиз қанча азият чекканидан барчамиз яхши хабардормиз. “Мен Ўзбекистон фарзандиман” деган жонфидо инсонларга мустақилликни ҳимоя қилиш ва унинг имкониятларини халқимиз ҳаётида рўёбга чиқариш учун кураш бундан кейин ҳам осон кечмайди. “Уч юз олтмиш бешинчи кун гаплари” китоби ана шу руҳни замондошларига етказиш мақсадида ёзилгани ҳам асло муболаға эмас.

Тадбирда иштирокчиларга янги чоп этилган китоб улашилди.

**Раҳматжон БОБОЖОНОВ**
**(«Халқ сўзи»).**

TURON BANK

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки Кенгаши банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2021 йил 11 декабрь куни соат 11⁰⁰ да Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Абай кўчаси, 4-«А» уйда бўлиб ўтишини маълум қилади**

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Банк акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши саноқ комиссияси шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. «Туронбанк» АТБ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2021 йил 1 ноябрдаги топшириғи ижросини таъминлаш мақсадида банкнинг тақсимланмаган фойдасини тақсимлаш тўғрисида.
4. «Туронбанк» акциядорлик тижорат банкининг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.
5. Банк балансидан ташқари ҳисоб рақамига олинган активларни ҳисобдан чиқариш.
6. «Туронбанк» АТБ Кузатув кенгаши ва қўмиталари, Кенгаш раиси ва аъзолари фаолиятини баҳолаш тартибини тасдиқлаш.
7. «Туронбанк» АТБ Кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тўғрисида»ги Низомни янги таҳрирда тасдиқлаш.
8. «Туронбанк» АТБ бошқаруви тўғрисидаги Низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларни тасдиқлаш.

Умумий йиғилиш ўтказилиши тўғрисида хабар бериш учун акциядорлар реестри 2021 йил 19 ноябрь ҳолатига, умумий йиғилишда қатнашиш ҳуқуқига эга бўлган акциядорлар реестри 2021 йил 6 декабрь ҳолатига тузилади.

Банк Кенгаши акциядорлардан шахсни тасдиқловчи ҳужжат, акциядорларнинг вакилларидан эса шахсни тасдиқловчи ҳужжат ва қонунчиликда белгиланган тартибда тасдиқланган ишончнома билан йиғилишга келишларини сўрайди.

Банк акциядорлари ва улар номидан вакиллар 2021 йил 11 декабрь куни соат $10^{00}$ дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинади.

*Йиғилишни ўтказиш бўйича қўшимча ахборот ҳамда унда кўриладиган ҳужжатлар билан қуйидаги манзилга ва телефон рақамларига мурожаат қилиш орқали танишиш мумкин: электрон манзил: www.turonbank.uz, «Туронбанк» АТБ бош офиси (Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 4-«А» уй) ҳамда банкнинг барча филиаллари, Телефонлар: +99895-144-60-00; 71-202-01-01; 71-202-70-70.*

**«Туронбанк» АТБ Кенгаши.**

ЭЪЛОНЛАР

**ДИҚҚАТ, ИССИҚХОНА ИНШООТИ СОТИЛАДИ**

IPOTEKA BANK

“Ипотека-банк” АТИБ Миробод филиалига тегишли бўлган Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, “Эски қовунчи” ҚФЙ, “Дархон” МФЙ ҳудудида жойлашган, умумий ер майдони 10 000 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 96,9 кв.м., қурилиш остидаги майдони эса 8 861,33 кв.м. бўлган иссиқхона иншооти сотилади. Нотураржойнинг ҳуқуқ тури доимий фойдаланиш бўлиб, тўлов тури нақд ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда банк орқали кредит сифатида ҳам амалга оширилади. Бинонинг нархи 2 700 000 000,0 сўм.

**Мурожаат учун телефонлар:** 71-291-79-09, 97-757-72-46.

**Манзил:** Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Толимаржон кўчаси, 1/2-уй.

**Мўлжал:** Миробод ФХДЁ.

*“Халқ сўзи” газетасининг 2021 йил 20 август куни 173-сонида чоп этилган “GROSS INSURANCE” МЧЖ суғурта марказининг GSS серияли, 0159817 рақамли суғурта полиси йўқолганлиги кўрсатилган эълондаги полис рақами 0169817 деб ўқилсин ва GSS 0159817 рақамли полис эса амалда эканлиги, яъни ўз кучида эканлиги тасдиқлансин.*

Тошкент педиатрия тиббиёт институти жамоаси институтнинг Асаб ва болалар асаб касалликлари, тиббий генетика кафедраси профессори Гулчеҳра Содиқовага турмуш ўртоғи

**Мардонбек СОДИҚОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 28 466 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ISSN 2010-8788

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.15 Топширилди — 00.55 1 2 3 4 5 6